

А Ж Р И М

(жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил октябрь ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Урганч туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, туман судининг раиси Б.А.Якубовнинг раислигида, Н.Рахимованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Урганч тумани прокурорининг катта ёрдамчиси К.Қаландаров, фуқаровий даъвогар вакили А.Каримов, судланувчи М.Ганджаев ва унинг химоячиси “ADVISE” адвокатлик бюроси адвокати Ф.Ниязметовларнинг иштирокида, Ганджаев Муҳаммад Шоназаровичга нисбатан бўлган №1-2202-2201/82-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ганджаев Муҳаммад Шоназарович (Gandjajev Muxammad Shonazarovjch), 1986 йил 09 январда Урганч шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилалик, 4 нафар фарзандлари бор, муқаддам **1)** 2017 йил 21 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан бўлган жиноят иши Хоразм вилояти прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 2-бандига асосан тугатилган, **2)** 2020 йил 23 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211-моддаси 3-қисми “а” банди билан бўлган жиноят иши Хоразм вилояти прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-бандига асосан тугатилган, **3)** 2021 йил 02 январь куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “г” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан бўлган жиноят иши Урганч шаҳар прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 2-бандига асосан тугатилган, **4)** 2021 йил 02 апрель куни жиноят ишлари бўйича Янгибозор туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45,57-моддалари қўлланилиб, 2 йил муайян ҳуқуқдан, яъни давлат ва давлат иштирокидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган шахс лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 22.300.000 сўм жарима жазосига судланган, жиноят иши 2021 йил 14 июль куни Хоразм вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилиб, суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган, Урганч тумани, Ғойбу қишлоғи, Гандирчи маҳалласи, Проектная кўчаси 6-йўлак, 2-уйда яшаб келган, 2022 йил 22 июль кунидан “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 01 август куни олган,



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 185²-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабранувчининг вакили ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан М.Ганджаев, 2020 йил 20 июль кунидан Урганч шаҳар, Хонқа кўчасида жойлашган “Maxsus Suv Gaz Montaj Qurilish” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келиб, иш фаолияти давомида ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, ўзининг ушбу жиноий режасини амалга оширишда Урганч шаҳар, Саёт кўчасида янгидан қуриладиган иккита 16-қаватли, кўп хонадонли, турар жой биносини қурилиш майдонидаги ер ости сувлари сатҳини вақтинча пасайтириш учун дренаж қуриш объектида ҳеч қандай тегишли ҳужжатларсиз умумий фойдаланишдаги электр тармоғига ноқонуний равишда ўзбошимчалик билан уланиб, 4 та сув дренажидан 2020 йил 22 июндан бошлаб 527 кун, 1 та кондиционер ва 1 та розеткадан 2020 йил 10 июлдан бошлаб 509 кун давомида электрдан ноқонуний фойдаланилиши оқибатида 307.575 кВт соат электр энергияси сарфланиб, “Хоразм ҳудудий электр тармоқлари” АЖга жами 138.408.750 сўм, яъни кўп миқдорда моддий зарар етказган.

Дастлабки тергов органи томонидан М.Ганджаевга мазкур жиноят иши юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 185²-моддаси 3-қисми билан айблов эълон қилинган.

Судланувчи М.Ганджаев суд мажлисида, дастлабки тергов органи томонидан қўйилган айбловда аниқланган моддий зарар тўлиқ қопланганини, ўзи томонидан содир қилингани қайд қилинган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киришини, оилавий ахволини инобатга олиб, унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб ўзига нисбатан бўлган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-банди ва ЖКнинг 65-моддасига асосан тугатишни сўради.

Суд жиноят иши материаллари, прокурор катта ёрдамчиси К.Қаландаров, фуқаровий даъвогар вакили А.Каримов, судланувчи М.Ганджаев ва унинг ҳимоячиси Ф.Ниязметовларнинг фикри тинглаб, судланувчи М.Ганджаевнинг ўзига нисбатан бўлган жиноят ишини ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-банди ва ЖКнинг 65-моддасига асосан тугатиш ҳақидаги ариза билан танишиб чиқиб, М.Ганджаевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 185²-моддаси 3-қисми билан бўлган жиноят ишини унинг айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб тугатишни лозим топади.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 185²-моддаси 5-қисмида “Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади”-деб қайд қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 65-моддасида “Ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир



этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган деб топилса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин”-деб қайд қилинган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-бандида “башарти ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилса жиноят иши шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилиши мумкин”лиги қайд қилинган.

Суд юқорида қайд қилинганларни инобатга олиб, М.Ганджаевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 185²-моддаси 3-қисми билан бўлган жиноят ишини унинг айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-банди ва ЖКнинг 65-моддасига асосан айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, тугатишни;

судланувчи М.Ганджаевга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилиб, гаров сифатида олиниб, Хоразм вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 6.000.000 сўм гаров пулларини гаровга қўювчи “Maxsus Suv Gaz Montaj Qurilish” МЧЖ ҳисоб рақамига қайтаришни;

етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида Хоразм вилояти прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 138.408.750 сўм пулларни “Урганч ШЭТК” ҳисобига ўтказишни;

етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган деб ҳисоблашни;

манфаатдор тарафга жиноят натижасида бошқа моддий ва маънавий зарар етказилган бўлса ундириш юзасидан тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишларини юритиш тартибида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 65-моддаси, ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-банди ва 423-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 185²-моддаси 3-қисми билан айбланган Ганджаев Мухаммад Шоназарович (Gandjajev Muxammad Shonazarovjch)га нисбатан бўлган нисбатан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-банди ва ЖКнинг 65-моддасига асосан айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, тугатилсин.

Судланувчи М.Ганджаевга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаров сифатида олиниб, Хоразм вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 6.000.000 сўм гаров пуллари гаровга қўювчи “Maxsus Suv Gaz



Montaj Qurilish” МЧЖ ҳисоб рақамига қайтарилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида Хоразм вилояти прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 138.408.750 сўм пуллар “Урганч ШЭТК” ҳисобига ўтказилсин.

Етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган деб ҳисоблансин.

Манфаатдор тарафга жиноят натижасида бошқа моддий ва маънавий зарар етказилган бўлса ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишларини юритиш тартибида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тараф ажрим устидан йигирма сутка ичида шу суд орқали Хоразм вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

ИМЗО

Б.А.Якубов

Аслига тўғри

